





# ДЕҲҚОН МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Қишлоқда фермерлик ҳаракатининг тобора кенг қулоч ёйиши пахтачилик, галлачилик, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштиришда катта ютуқларга эришиш имконини бермоқда.

Бунда фермерлик фаолияти учун яратилган қулай шароитлар муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йилнинг кузига пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" да Минтехнологиялар ва ихчам устхоналарнинг ихтисослаштирилган мунтазам ишловчи халқаро кўргазмаси очилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Маъзур кўргазмага ташриф буюрган давлатимиз раҳбари "Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзланган бош мақсадимиз — одамларда ер, мullка эгаллик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фа-

вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2006 йили қишлоқ мулкдорларига 975 минибанк, 1534 муқобил МТП, 882 минерал ўғит ва 1117 ёнилғи қуйиш шохобчаси, 1301 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизмат кўрсатган. Мавжуд 720 ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати марказида эса фермерларга зарур маълумотлар берилган. Айти кунларда жойларда Президентимизнинг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган "2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхона-

ларини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган ва зифалар, жумладан, тугатилган ширкат хўжалиқлари негизда фермер хўжалиқлари ташкил этиш ишлари ақунига етди. Шундай қилиб, мамлакатимиздаги ширкат хўжалиқлари ва корхоналари тўлиқ тугатилиб, уларнинг негизда янги мулк эгалари — фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Қишлоқда амалга оширилган бундай ишчилохотлар ўзининг кутилган самарасини бериши аниқ. **Сайёра ШОЕВА, ЎЗА шарҳловчиси.**

## Банк хизмати

# МИЖОЗНИНГ ИШИ БИТГАНИ ЯХШИ

— дейди акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Чиноз тумани бўлими бошқарувчиси Тўлқинжон Эрматов.

Бошқарувчи ҳақ гапни айтди. Зеро, банк миждозга хизмат қилади. Миждоз эса маълум — у ишбилармон, тадбиркор, фермер. Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари — тижорат банкларининг асосий миждозлари. Банк хизмати-сиз яъни, молиявий ёрдамсиз уларнинг иши юришмайди. Аммо, молиявий ёрдам дуч келган миждозга кўрсатилавермайди. Бунинг қонуний талаблари, тартиб-қоидалари бор. Демак, қайси банкнинг миждози кўп бўлса, ўшанинг фаолияти кўпчиликлан манзур.

Шу нуқтаи назардан «Пахтабанк»нинг Чиноз тумани бўлими фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? — Бўлимимиз кўрсатаётган банк хизмати савиясига аслида миждозлар баҳо беради, — дейди Тўлқинжон Эрматов. — Биз фақат шуни айтишимиз мумкин, аниқ вақтда мулкка эгалликнинг турли шаклларида фаолият юритаётган 620 та миждозга хизмат кўрсатаймиз.

Табийки, уларнинг аксарияти, аниқ қилиб айтганда бўлса, 447 таси қишлоқ хўжалик корхоналаридир. Жумладан, тумандаги 360 дан зиёд фермер ҳамда 62 та деҳқон хўжалиқлари бўлимимизнинг молиявий кўмагига таяниб иш юритишапти. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг 14 таси ва биттадан савдо ҳамда транспорт ташкилотлари ҳам бизнинг миждозларимиз.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат миждозларимиз 96 тага етди. Шундан 23 таси микрофирма, 21 таси кичик корхоналардир. Бундан ташқари, турли соҳаларда фаолият юритаётган 61 та миждозимиз бўлимимиз хизматидан фойдаланмоқда.

Президентнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди тижорат банклари зиммасига яна бир муҳим вазифа юклатилган. — Ҳа, бу қарор эълон

қилинганга хали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа муддатнинг ўзиде унинг аниқ вақтида қабул қилинган ва аҳоли асосий қатламнинг турмуш даражасини ошириш учун мустаҳкам замин яратишини амалда кўрсатди. Маълумки, республика Адлия вазирлиги Юртбошимизнинг ушбу қарорига мувофиқ «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш» Низомини рўйхатга олди. Ҳозирги кунда барча тижорат банклари қатори бизнинг бўлимимиз ходимлари ҳам ана шу Низом талаблари асосида Президент қарори ижросини таъминлашга киришганлар.

Қарор эълон қилинган вақтдан бошлаб 2007 йилнинг 1 январига бўлимимизга 76 фуқародан ўртача ойлик иш ҳақининг 80 баробарига миждозда жами 61 миллион 150 миң сўмга ариза тушди. Шу жумладан, 30 фуқаро иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратишимизни сўрашган. Ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, 12 фуқарога жамғарма маблағи ҳисобидан 8 миллион 766 миң сўм, 46 фуқарога банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 38 миллион 848 миң сўм кредит ажратилди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, бўлимимизга мурожаат қилган 18 фуқаронинг аризалари қаноатлантирилмаган. Бунинг асосли сабаблари бор, албатта. Улар иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит сўрашган. Демак, фуқаронинг аризасига у яшаб турган маҳалла кўмитаси раисининг «Тавсиянома»си илова қилиниши лозим. Бироқ, «Тавсиянома»ларда ариза эгалари кам таъминланган оила эканлиги кўрсатилмаган. Бу эса, Низомнинг 1-бўлими 4-банди талабига зиддир.

Бундан ташқари бўлимимиз Президент қарорига мувофиқ қорамол сотиб олиш учун микрокредит қилаётган сўраб мурожаат қилган 53 миллион 400 миң сўм нақд пул кириб қилинди. Бу режадагидан 21,1 фоиз кўп. Шуниси диққатга сазоворки, нақд пул тушуми ойма-ой кўпайиб боришига эришялмиш. Масалан, декабрь ойида ноябрдагига нисбатан қарийб 190 миллион сўм кўп нақд пул кириб қилинди.

Иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларига келсак, бу масалада ҳам барқарорликка эришилмоқда. Бунинг қандай рақамларда кўриш мумкин. Декабр ойи учун биринчи даражали, яъни бюджет ташкилотлари иш ҳақи, пенсия, нафақа ва контент тўловлар учун жами 564 миллион 200 миң сўмга буюртма берилган эди. Бўлимимиз буюртмани тўлиқ бажарди ва шу тўғрисида 2007 йил 1 январь ҳолатига ана шу биринчи даражали тўловлардан қарздорликка йўл қўйилмади.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Абдусамат Йўлдашев сўхбатлашди.

## ЧОРВА СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори агар соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Паркент туманида элликдан ортқ фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланади. Улар тасарруфида уч миңг бошга яқин қорамол бор. Лекин чорванинг асосий қисми — аҳоли қаровида. Шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида ўз вақтида чорва озукиси — омулча ем етказиб бериш мақсадида туман маркази ва йирик аҳоли пунктларида иккита ихтисослашган савдо шохобчаси ташкил этилди.



Бу ерда тайёрланаётган пахта толаси Швеция, Франция, Россия давлатларида жўнатиляпти. Маҳсулот юқори сифатга эга бўлгани учун заводга «Олтин глобус» соврини берилди. **Оққўрғон пахта тозалаш заводига ўтган йили белгиланган 20 миңг 800 тонна ўрнига 23 миңг 650 тонна пахта хом ашёси қабул қилиниб, ойига 1050-1100 тоннадан тола ишлаб чиқаришга эришилди.**

Паркент мол бозорида «Кимошди» савдоси йўлга қўйилиб, унда юз бошдан зиёд зотдор қорамол сотилди. **Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.**

## «ВИМПЕЛКОМ» КИРИТГАН САРМОЯ

Ўтган йили Россиянинг «Вимпелком» ОАЖ Ўзбекистоннинг «Юнител» МЧЖ уяли оператори ривож учун 60 млн. АҚШ доллари миқдорига сармоя киритди. Бу ҳақда журналистларга «Юнител» бош директори Евгений Рубан маълум қилди. Унинг қайд этишича, компания 2006 йилда сармоялар киритилиши ҳисобига on-line роуминг, янги платформалардаги ММСни ишга туширди. Шу билан бирга Тошкентда GPRS хизматини жорий этди, Beeline бренди остида тўртта минтақавий филиални очди. Рубан «Юнител» тармоғи ривожига киритилган сармоялар 2006-2008 йилларда 150 млн. АҚШ долларигача бўлишини тасдиқлади. Шу билан бирга «Юнител» бош директорининг хабар беришича компаниянинг бу йилги асосий вазифалари жумласига минтақаларда тармоқни кенгайтириш, минтақавий филиалларни Beeline брендига тўлиқ ўтказиш, софтвернинг хизматини жорий этиш, тармоқ ҳудуди бўйича GPRS, шунингдек, корпоратив миждозлар учун янги биллинг хизматини кенгайтириш кирди. **«Туркистон-пресс».**

## Шундайлар бор бўлсин КОМИЛ ДЎХТИР

Аёл тунни бедор ўтказди. Мурғаккина гўдагининг нотекис нафас олиши, уйку аралаш ихраб безовталаниши бир дарадига ўн дард қўшди: «Тезроқ тонг ота қолсайди?!»

Мамлакатимизда баҳорги экиш мавсумига тайёрлик ишлари изчил давом этмоқда. Бунинг «Ўзагроماشсервис» уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Уюшманинг таъмирлаш, сервис

хизматининг замонавий усуллари ва турларини жорий этиш бўлими бошлиғи Мирза Ҳозирбековнинг айтишича, тизимдаги барча хўжалик техника воситалари тўлиқ таъмирланган. Буюртмачилар таъмир сифатидан мамнун.

У боласини бағрига босганича, елиб боради. Қалбда наҳот учқунлайди, қадамлари янги ёққан қорда ўзгаларга йўл очади. «Ҳозир етимиш, болагинам, ана, оз қолди. Хайрият, дўхтиримиз эрта кетиб, барака тоғур» — Кани, кани, дўхтирчага нима бўлди? Бир оз иссиғи бор экан, хавотирланманг. — Тун билан яхши ухлай олмади... — Албатта ухлай олмайдиди, намунча ўраб ташламасангиз? Бунда иссиғи яна ҳам кўтарилиб кетади. Сиз кўркманг, акс ҳолда сизнинг ҳаёқонингиз болага ўтади, сунгингиз ҳам камайиб кетади...

## ҲОСИЛ БАРАКАСИ ТЕХНИКАГА ҲАМ БОҒЛИК

Мавсумга шайланган ҳар бир техника маҳсус комиссиялар томонидан қабул қилиб олинди. Ҳар бир турдаги соҳа техника учун кафолат муддати кўрсатилган сертификатлар берилди. Тизимда зарур эҳтиёт қисмлар захираси, малакали таъмирчилар бригадаси ташкил этилгани шунинг тез ва сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда. Мавсум олдидан жойларга салкам 9 миллиард сўмлик эҳтиёт қисм ва бошқа турдаги моддий-техника ресурслари етказиб берилди. Айти пайтда галла ўримида техникани тайёрлаш ишлари бошланди. Шу кунга қадар мавсумда қатнашадиган ўрим комбайнларининг 65 фоизи таъмирдан чиқарилди. Айти пайтда техникани тўлиқ тайёрлаш мақсадида жойларда ишлар икки сменада олиб боришмоқда. Ҳозиргача галла ўрими комбайнларини таъмирлаш учун 834 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва шиналар етказиб берилди. Тизимда янги техника харид қилиш ҳам эътиборда. 2007 йилда галла ҳосили нес-нобуд қилмасдан қисқа фурсатда ўриб олишни ташкил қилиш мақсадида Германиянинг «Клаас»

фирмаси билан тузилган шартномага биноан жорий йилда мамлакатимизга қарийб икки юзта янги «Домино-130» русумли галла ўрими комбайни келтирилди. Техника деҳқон қаноти, дейдилар. Мавсумнинг кўнглидагидек ўтиши эса, ана шу техникани ўз вақтида шай ҳолатга келтиришга боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу йил мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникасининг мавсумга ҳозирлаш ўтган йилгидан анча барвақт яқунланмоқда. **ЎЗА.**

Дўхтирнинг босиқлик билан сўзлаши ёшига келини бироз тинчтиди. Зарур доридармон, муолажа, керакли маслаҳатлардан сўнг хавотир тарқаб, кўнгли ёришган онанинг кўзларида миннатдорлик учқунлари порлади...

Сўнги бир ой мобайнида шу соҳада 1288 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 1186 жиноят ва 87 маъмурий иш қўзғатилганлиги бунинг далилидир. Шу даврда ҳуқуқбузарлардан 578,5 миллион сўмлик асоқоли маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Чет элларда ишлаб чиқарилган ёки маҳаллий корхоналарда яширин ҳолатда тайёрланган алкоғоли маҳсулотлар савдога чиқарилишини аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимлари ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказишди. Жумладан, Тошкент туманида ўтказилган тезкор қидириш тадбирида фуқаро А. Рашидов Қозғоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва республикамиз ҳудудига айланма йўллар орқали олиб қилинган 6,5 миллион сўмлик ҳужжатсиз пиво ичимликнинг сотиш мақсадида ўз уйида сақлаб келаятганлиги аниқланди. Ноконуний маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

## ТУЗИНГИЗ ЙОДЛАНГАНМИ?

Истеъмол тузларидаги йод миқдорини аниқлаш, сифатсиз маҳсулотлар савдосига барҳам беришда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ҳудудий бўлимлари ўтказаятган назорат текширувлари яхши самара бераёпти.

## Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология институтига янги референс лаборатория фойдаланишга топширилди.

## ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, халқимиз, аиникса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли хасталикларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури бунинг ёрқин далилидир. Унга кўра, қўллаб-шифо масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари қуриб, фойдаланишга топшириляпти.

Туманимиздаги 100 га яқин савдо шохобчаларида харидорларга сотиляётган хўжалик тузларининг сифати ва йодланганлик даражасини аниқлаш бўйича олиб борган тадбирларимизда, — дейди жамиятнинг Бўстонлик туман бўлимиси раҳбари Муҳаббат Тўхтаева, — айрим маҳсулотларнинг талабга жавоб бермаслиғи, сифат сертификати йўқлиги маълум бўлди. Айтиш жоизки, бу борада солиқ идораси ҳамда бевосита харидорлар билан қилаётган ҳамкорлигимиз фойдали бўляпти. **Шерали ҒАЙРАТОВ.**

Айти пайтда давлатимиз раҳбарининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлигини янада кенгайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оила-тарбия, тиббий кўмакка муҳтож ва кўрсатиш каби эзгу ишлар кўламини янада кенгаймоқда.

Комил дўхтирни излаб Чинобод қишлоқ врачлик пунктига борганимизда у кишини иш устида учратиб, беихтиёр қабулга келган оналар, болажонлар билан суббатини кўзатди. Шу аснода қишлоқ аҳолисининг хурмати, меҳрига сазовор бўлган тажрибали шифокор Комил Эргашевнинг ўз ишини ташкил этиш йўсини билан яқиндан танишдик. — Қишлоқимизнинг менга бириктирилган ҳудудига 546 та хонадон, 663 та оила бор. Уларда яшовчи 2972 кишининг 1208 нафарини ўн тўрт ёшгача бўлган болалар. Ўн саккиз нафар ногирон бола, тўрт нафар ёлғиз қарияларимиз бор...

Чет элларда ишлаб чиқарилган ёки маҳаллий корхоналарда яширин ҳолатда тайёрланган алкоғоли маҳсулотлар савдога чиқарилишини аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимлари ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказишди. Жумладан, Тошкент туманида ўтказилган тезкор қидириш тадбирида фуқаро А. Рашидов Қозғоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва республикамиз ҳудудига айланма йўллар орқали олиб қилинган 6,5 миллион сўмлик ҳужжатсиз пиво ичимликнинг сотиш мақсадида ўз уйида сақлаб келаятганлиги аниқланди. Ноконуний маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Маҳсус рейд ва текширувлар жараёнида ички бо-

ри ишлаб чиқариш билан ноконуний шуғулланишган, 18 литр этил спирти, 4137 та қопқоқ, 4100 та қалбаки акциз маркази ва 26 шиша ароқ далилий ашё сифатида олинди.

Х. Абдураҳмоновага 4350 шиша ароқни жами 1,4 миллион сўм ва 1800 АҚШ долларига сотиб, нақд пуллари нозорат касса машинасида ўтказмаганлиги аниқланди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар мобайнида алкоғоли маҳсулотларини ўз хонадонларида ҳамда бошқа моллаштирилган жойларда яширин ҳолда ишлаб чиқараётганлар аниқланиб, уларнинг бу ғайриқонуний фаолиятига чек қўйилмоқда. Жумладан, Янгийўл туманида фуқаро М. Алимов ўз уйида спиртли ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланиб келган. Текширув чоғида 24,5 миңг сўмлик 4,5 литр спирт, 10 шиша тайёр қўнбола ароқ топилиши боис тегилиш жиноят ишлари қўзғатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Ийгирига йилдан буён ўз касбига садоқат билан хизмат қилиб келаятган, ҳамқишлоқлари таъбири билан айтганда, ҳақиқий жонқур, фидокор дўхтир Комилжон ақининг қисқа, лўнда сўзларидан сўнг у кишининг умр йўлдоши, ҳамшира Матлубахон Эргашева билан суббатлашди. — Комилжон акам дўхтирлик касбининг талғабчиларининг ўзи бир тарих. У кишини дўхтирлик касбининг масъулияти, туну кун одамлар хизматида тайёр туриш лозимлиги тўғрисида гапирардилар. Агар келаси, тун яримда ошиқ тақаллаб қолса ҳам елкаларига чопон ташлаб чиқиб кетаярдилар. «Сенинг ёрдамчингга муҳтож бўлиб келган одамларни ҳеч қачон ноумид қай-

зорга ноконуний йўллар билан олиб қилинган ёки ўзимизда ишлаб чиқарилган спирт ва алкоғоли маҳсулотлар бозорлар ва савдо мажмуаларида, шунингдек, русхат этилмаган жойларда сотилишининг олдини олиш чоралари қуриляпти. Шундай рейдлар чоғида Ангрэн шаҳрида фуқаро К. Бердиев бошқариб келаятган «Мерседес-Бенц» русумли, 11 У 28-24 давлат рақамли автобус тўхташиб, текширилди. Унинг салони ва юкхонасида 840 шиша ароқ олиб келинганлиги аниқланди. Кейинги суриштирувлар чоғида бу маҳсулотлар «Жигаристон» маҳалласининг 1-тўра кўчасидаги 35-уйдан олинганлиги ойдинлашди. Рўзи ва Тожиёв исмли шахслар шу хонадонда спирт ва ароқ маҳсулотла-

## Қарор Ва ижро

Бекобод шаҳар давлат солиқ идораси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир натижасида эса фуқаро А. Анорқулов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, қонунга хилоф равишда спиртли ичимлик савдоси билан шуғулланиб келаятганлиги аниқланиб, ундан жами 77 миңг сўмлик спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинди. Бекобод туманида фуқаро Х. Халиқулова белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 375 шиша спиртли ичимликларини сотиш мақсадида олиб келаятганлиги тўхтатилди. «Хикмат» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконига ўтказилган текширув натижасида дўкон мудир Ш. Рузбобоев харидор

## Азаматжон ЭРГАШЕВ, АЗИЗ СОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти масъул ходимлари.

Вирология институтиди директори Эркин Мусабоевнинг маълум қилишича, замонавий жиҳозлар, тиббий ускуналар ҳамда дори-дармон воситалари билан таъминланган мазкур лаборатория ўта юқумли ва хавфли касалликларни тезкорликда аниқлаш ва ташхис қўйиш имконини беради. **ЎЗА.**







Спорт | Спорт

БИРИНЧИЛИК ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтган мамлакат биринчилигида 36 нафар спортчи ғолиблик учун ўзaro дона сурди.

Мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги барча беллашувлари самарқандлик ака-ука Жамшид ва Хуришд Мустафоевлар кўтаринки руҳда ўтказди. Унда Жамшид 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, Хуришд 7 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин 6,5 очко жамлаган пойтахтлик Улуғбек Тиллаевага насиб қилди.

Кизлар ўртасидаги беллашувларда Фаргона вилояти вакилиси Хулкар Тоҳиржонов 7,5 очко тўллаб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ундан ярим очко кам жамгарган сурхондарёлик Райхон Дониёрова иккинчи, чирчиқлик Гулирхон Зарбонбаева эса 6 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиблари шу йилнинг октябр ойида Туркияда бўлиб ўтадиган Жаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадионида Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси 2008 йил Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйналари саралаш турнирининг биринчи учрашувини Тожикистон олимпиада терма жамоасига қарши ўтказди.

Кескин ва мурасасиз ўтган ўйнинг 40-дақиқасида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси вакили Садриддин Абдуллаевнинг рақиблар дарвозасига узок масофадан йўллаган тўпи ҳисобни очди - 1:0.

Иккинчи бўлимда ярим ҳимоячимиз Анзур Исмоилов рақиблар дарвозасига боши билан йўллаган тўп голлар сонини яна биттага кўпайтирди. Меҳмонлар вакили Соҳиб Сувоқуллов ўз дарвозасига киритган тўп

ўйин тақдирини бутунлай хал қилди.

Иккинчи бўлимнинг еттинчи дақиқасида тожикистонлик Иброҳим Рабимов ҳисобдаги фарқи биттага қисқартирди. Шундан сўнг футболчиларимиз яна ҳужумга зўр бердилар. Ярим ҳимоячи Одил Аҳмедов рақиблар дарвозасига тўрига тўртинчи голни жойлади: 4-1.

Футболчиларимиз бир ҳафтадан сўнг Душанбе шаҳрида жавоб учрашувини ўтказди.

ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Олмалик шаҳрида 1989-90 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтган бокс бўйича мамлакат биринчилиги беллашувларида 250 нафар ёш спортчи 12 вазн тоифасида ўзарo куч синашди.

Баҳсларда жаззалик Б.Хидиров, Х.Тожибоев, Р.Мустанов, С.Холиқов, Ҳ.Тожибоев, фарғоналик А.Махмудов, Д.Қорабоев, Ҳ.Назиров, Р.Абдуҳақимов, андижонлик Б.Махмудов, самарқандлик Ж.Одиллов ва олмалиқлик Х.Алимиров ғолибликни кўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида жаззалик ёш спортчилар шоксупанинг энг юқори погонасини банд қилди. Фарғоналик боксчилар иккинчи, Андижон вилояти терма жамоаси вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

К. ҚАРШИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида клим ўзгаришининг минтақавий муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАҒИШЛАНДИ

"Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, эколог олимлари, дипломатик корпус вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Антропоген омиллар, яъни инсоннинг табиатга етказиёт-

ган салбий таъсири туфайли юзага келаятган бундай экологик муаммолар жаҳон ҳам-жамиyatини жиддий ташвишга солмоқда. Яқинда Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган клим ўзгариши бўйича ҳукуматларaro экспертлар гуруҳининг учрашувида тахлил этилди. Анқуманда "Экосан" халқаро ташкилоти томонидан

мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари ўртасида Марказий Осиёда клим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар таҳлилига бағишланган энг яхши илмий тадқиқот иши учун танлов эълон қилинди. Танлов ғолиблари 5 июнь - Жаҳон атроф-муҳит куни эълон қилинади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

МҲЙҚАЛАМДА ЮРТ ЖАМОЛИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида Ботир Зокиржонов асарлари кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда санъатнинг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қув-

ватлаш ва рағбатлантиришга, юртимизнинг чекка ҳудудларида ижод қилаётган истеъдод соҳибларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Ботир Зокиржонов ранг-тасвир йўналишида ижод

қилади. Жаннатмонанд она Ватанимизнинг гўзал ва бетакорр табиати манзаралари, миллий кадриятларимиз, боқий аънаналаримизни ўзига хос тарзда акс эттириш расмом ижоди-нинг бош мавзудир. Унинг "Сангзор", "Гараша-да куз", "Зомин", "Ўрик-ли сой", "Бахмал" каби картиналари бунга мисол бўла олади.

ЎЗА.

Сиз нима геўсиз?

Кияётган кийимингизнинг саломатлигинизга фойда ёки зарари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ дейсизми? Мен ҳам бу ҳусусда дурустроқ бош қотирмаган эканман. Яқинда бир ота-хон билан тасодифий суҳбатимиздан сўнг бунга қизиқиб қолдим.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман, — дейди отахон. — Ҳар балони кийим деб эгнига илби олаверади. Унинг фойда-зарарини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ана, каранг, — сунъий шармил шим кийиб олган кизга қараш қилди ота. — Кеңирасиз, уят бўлса ҳам айтаман, аёллар эгнидаги тор либослар кишида турли ҳаёсий хислар уйғотади. Бугун баъзи аёлларда шарм-ҳаё кўтарилаётганининг сабабларидан бири ҳам шу...

Дарҳақиқат, бугун айрим ёшлар ана шундай тор, калта, хориз маданиятига хос либосларни маълум кўришмоқда. Чет элники бўлса бас, ўзларига ярашса-ярашмаса, кияверишад-

и. Шу ўринда, масаланинг маънавий жиҳатини олиб кўрайлик. Аввало, бундай очик-сочик ёки бичими миллий руҳиятимизга тўғри келмайдиган либослар нима учун ёшларимизни ўзига оҳанграбдоқ тортомоқда? Бу хориз маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиш эмасми?

Назаримизда, миллий кадриятларимизга хос бўлмаган бундай кийимни маданиятининг ҳаётимизга сингиб бораётганига телевидение орқали намоиш этилаётган, мазмун-моҳияти турмуш тарзимизга мутолақ тўғри келмайдиган, аммо кети зулмлаётган хоризий сериаллар ҳам сабаб бўлмоқда. Қолаверса, маҳаллий ёш эстрада қўшиқчиларимиз, ҳатто, айрим танилиб қолган санъаткорларимизнинг маъносиз матн ва мусикалардан яратилган клипларидаги бачкана ва беҳаё харакатлар, шунингдек, шармсиз либослари ҳам ёшларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Хўш, шу зайдла Европа маданиятини ўзлаштириб олаверсак, халқимизнинг кийиниш борасидаги ўзига хос миллий аънаналари эртага келажак авлод учун эскилик сарқити бўлиб қолмайди? Ҳар бир халқнинг маданияти, бошқа унсурлар катори унинг таши қиёфасига, кийинишига ҳам қараб баҳолашни, нахотки, унутаётган

ди. Шифохонада келининг ҳомиладорлиги, аммо, буйрак шомоллаши асорати борлиги маълум бўлади. Уни махсус шифохоналарда даволатишади. Аммо, фойдаси бўлмайди. Буйракнинг ишдан чиқиши ҳомилага ўз таъсирини ўтказида ва дунёга келмай, нобуд бўлади.

— Келинингиз аввалдан очик-сочик ёки сунъий матодан ти-

ридан келаятган либосларни «мода» экан дея устига илби олган киши замонавий бўлиб қолмайди. Ахир, инсон учун дунёда ўз соғлиғидан ҳам қадрироқ нарса борми?

— Хорижда нима учун пахта-нинг нархи банд, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? — сўраб қолди иқтисодчи танишим. — Кўпгина мамлакатлар фуқаролари деярли сунъий матоли кийим кийишмайди. Чунки, улар бундай либослар саломатликка путур етказишини яхши билишади. Шунинг учун у ерда пахта толасидан ишлаб чиқарилган матолар қиммат. Биздаги баъзи ёшлар эса, чет элники экан деб соғлиққа фойда-зарари ҳақида суриштириб ҳам ўтирмай, харид қилаверишади ва турли касалликларни орттириб олишади.

Катталардан эшитганим бор, илгари ўғил болалар ҳеч қачон тор ички кийим кийишмаган экан. Чунки, бу аъзоларнинг зўриқишига сабаб бўлиб, охи-роқибат бепуштлиқ касаллигини келтириб чиқарар экан.

— Бепуштлиқ, совуқ ўтиши оқибатида жинсий безларнинг касалликлар ички кийимларнинг тор ёки сунъий матодан тикилганлиги натижасидир, — дейди уролог Иброҳим Самадов.

Кўриниб турибдики, либосларнинг саломатликка фойда-зарари ҳусусида жуда кўп гапир-тиш мумкин. Бирок, бу масалада ҳар кимнинг фикри, мулоҳазаси бор. Кимдир сунъий мато арзон, шунинг учун харидордир дейиши мумкин. Яна кимдир тор либос «мода» дея ўзини оқлар. Нима бўлганда ҳам уст-бош харид қилаётганимизда унинг саломатлигимизга қандай зарари ёки фойдаси борлиги, ўзимизга ярашиш-ярашмаслиги, миллий маданиятимизга мос ёки мос эмаслиги ҳусусида бир қарра ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмасди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

«ХҲРОЗҚАНА ЧЕТ ЭЛНИКИ БҲЛСА, ЯЛАЙСИЗМИ?»

бўлсак? Оилада тўғри тарбия кўрган фарзанд кўча-кўйда тор шим ёхуд калта юбка кийиб, қорнини ярмини очиб, танасини «кўз-кўз» қилиб юрмайди, албатта. Қолаверса, шарм-ҳаё, ибo каби фазилатлар устун бўлган хонадонларнинг катталари бунга асло йўл қўйишмайди.

Юқорида айтганларимиз масаланинг бир жиҳати ҳолос. Аммо бундай калта ва тор кийимларда очик-сочик, ярим яланғоч юриш саломатликка ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини биламизми?


Яқинда бир воқеа ҳусусида сўзлаб беришди. Шаҳардаги хонадонлардан бирида дангилла-ма тўй бўлиб ўтади. Ота-она эркак-тўй ўғилларига ўзларига ўхшаган бой хонадоннинг кизини олиб беришади. Тўйдан уч ой ўтгандан кейин келининг бирдан бел оғриги тутиб қола-

килган кийимлар кийиб юрган, — дейишади шифокорлар.

Ҳақиқатан ҳам қайнона келинини олдидан яхши танирди. Доим чарм шимда, кўпична юпун кийимда учратарди...

— Минг афсуски, ҳаётимизда бундай ҳодисалар оз бўлсада учраб турибди, — дейди шифоқор Жўрахон Матқаримов. — Хориждан келаятган, сунъий матодан тикилган кийимлар ҳаво ўтказмайди. Совуқ кунда совуқ, иссиқ кунда иссиқни тортади. Бу эса ёмон оқибатларни келтириб чиқармоқда. Аксарият шомоллашлар, жинсий аъзолардаги ўзгаришлар шундай сифатсиз кийимлар таъсирида юзага келади.

Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзголи» асарига «Хўрозқанд чет элники деса одамлар ётиб олиб ялайман дейиш», деб келинларига танбег берган Фармонбиби адашмаган экан. Хо-



Жуда мазза жой-да бешигим, Фақат бўшроқ туйнук-эшиги. Аяжоним келгунича то — Айтаверай, шодон кўшигим! Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

Китобингизни ўқигим

СҲЗ ЖИЛОЛАРИ КҲНГИЛГА ЯҚИН

Қибрайлик умидли шоира Гулшода Курбонованин шерьиятаги изланишлари кўнгилга илиқлик бахш этади, дегим келади. Унинг шерьларига Ватанин севиш, қадрлаш, она юрт соғинчи, ёр ва диёрга бўлган адоксиз севгини тараннум этиш каби хислатлар ўз муҳассамини топа олган.

Болам, деган додлар чикса ёмон экан, Наҳот бунинг барчасига берурсан дош, Огоҳ бўлгил, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!

Бу сатрларга она-Ватанин асраш, ардоқлаш, уни ёт кўзлардан, ёмон ниятли кишилардан қизганиш ҳисси яширинган. Огоҳликка даъватнинг асл моҳияти ҳам ана шунда. Бу борада «Ўзбекилардан ўрганинг», «Огоҳ бўл», «Кўёш битта, Ватан ягона», «Тумарис қизлари» сингари шерьларни мисол таркисида эслаб ўтиш киёфия.

Мустақиллик тақдир баҳори, Бахтимизга дебочадир. Бунёдкорлик иши, ҳумори Юрт ҳуснига зеб очади. Ҳаётда инсоннинг самимий соғинч туйғуси, ўз дилига яқин дўст, махубу киёфасини хаёлан жонлантира олиш хислати ажаблантири ҳол эмас. Албатта, Гулшоданин

қалби ҳам бу сеҳрли туйғуга ошно. «Олча», «Айлама», «Созларнинг», «Совчилар» сингари шерьлари ҳақида ана шундай илиқ фикрларни айтиш жоиз деб ҳисоблайман. Улар кўнгли мулкнинг бетакорр нидоларидир. Шерьлар инсонни ҳам-иша журъатли, дадил ва одил бўлишга ундайди. Бунинг учун улардаги мисралар нўноқ таржиманиннинг дудук таржимасига ўхшаб қолмаслиги зарур. Буни Гулшоданин ўзи ҳам яхши тушунади. Шунинг учун ҳам шерьий мажмуага кириб қолган «Мехрим сизга мен (?) илиниб юрай мен», «Сигмас экан ўзга дилга ҳам (?) кен», «Жа-фали ёр келарми» сингари нотабий сатрлар анча эриш туюлади. Бундай нўсонлар Гулшоданин шерьларига ярашмаслигини уқтириб ўттиб келди.

Шавкат ТУРОБ.

Рассом хангаси



— Нега ичаётганингда кўзингни юмиб оласан! — Ичкиликни бетига қарамайман, деб хотинимга сўз берганман. Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Собир Раҳимов туманидаги 165-мактаб томонидан 2004 йил 26 июнда Мирзаев Жамшид Хасанович номига берилган О'Р-А 1707753 аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги «SURAT FAHRI» ҳусусий корхонаси (ОКПО 19744986) «SURAT FAHRI» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Камол Шарипов кўчаси, 26-уй манзилида қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги «КОРТ» қўшма корхонаси (ОКПО 16248311) «КОРТ» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Камол Шарипов кўчаси, 26-уй манзилида қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги 118-ўрта мактабга Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2001 йил 4 майда берилган «Ҳўжалик юритувчи субъектларини корхона, ташкилотларни ягона давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида»ги 043060 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 10 февраль куни Тошкентда ҳаво

ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда шомол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 11-13 даража илиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси ва эрталаб баъзи жойларда туман тушади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шомол эсади. Ке-

ТҲҚҚИЗ МАМЛАКАТ ИШТИРОКИДА

Африка қитъасидаги тўққиз мамлакат - Жазоир, Маверитания, Мали, Марокаш, Нигер, Нигерия, Сенегал, Тунис ва Чад армия кўмондонлари АКШ вакиллари билан ҳамкорликда халқаро террорчиликка қарши кураш муаммолари бўйича анжуман ўтказмоқда. У 7 февраль куни Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида очилди. Илгиллишда АКШ қуроли кучлари Европа кўмондонлиги бошлигининг ўринбосари генерал Уильям Уорд иштирок этмоқда. Анжуманиннг очилишида Сенегал армияси вакили полковник Антуан Вардини учрашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад минтақавий хавфсизликни таъминлаш механизмлари ва Сахрои Кибрита террорчиларни киритмаслик чора-тадбирларини кўришдан иборатлигини таъкидлади. Маълумотларга қараганда, «Ал-Қоида» жангарилари назорат нисбатан суст бўлган бу ҳудудга жойлашиб олишга уринмоқда.

ЎЗА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сахифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекама ва эълон берувчилар масъулдир.